



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ШАХС ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИНСТИТУТИ

Ашурев Нодир Найимович

Жиноят ишлари бўйича

Бухоро шаҳар суди судьяси

**Аннотация:** мазкур мақолада, хавфсизлик тушунчаси, унинг моҳияти таҳлил қилиниб, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, шунингдек суд-хуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларда жиноят процесси иштирокчиларининг хуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** хавфсизлик, шахснинг хуқуқ ва манфаатлари, жиноят процесси, процесс иштирокчилари, хуқуқ ва мажбуриятлар.

Ҳар қандай жамиятнинг барқарор ривожланиши жамиятда “хавфсизлик” таъминланганлиги ва қонун нормалари билан кафолатланганлиги унинг муҳим унсурларидан ҳисобланади. Шу боис ҳам давлатнинг асосий вазифаларидан бири, ижтимоий хавфсизликка бўлган таҳдидларни бартараф этиш, жамият ҳаёти ва тараққиёти учун муносаб шароитларни яратишдан иборатdir.

Хавфсизликни таъминлаш жамиятда эркин, фаровон ҳаётни таъминлаш билан бирга унинг ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи асосий восита ҳисобланади. Шу муносабат билан хавфсизликни ижтимоий ҳодиса сифатида илмий тушунчаси, унинг моҳиятини таҳлил қилиш талаб этилади.

Т.Гоббс ва Ж.Локкларнинг асарларида хавфсизлик ҳақидаги дастлабки шу билан бирга батафсил тушунчалар яъни табиий-хуқуқий концепция аниқ таърифланган эди. Ушбу концепцияга мувофиқ хавфсизлик, яшаш хуқуқи ва эркинлик хуқуқи билан бир қаторда, инсоннинг табиий хуқуқлари сифатида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса деб қаралади. Унга эҳтиёж инсоннинг ижтимоий мавжудлигидан келиб чиқади. Айнан шу даврда хавфсизлик антропологик характерга эга бўлиб, унинг ижтимоий табиати шахсни ижтимоий муносабатлар томонидан таъминланадиган турли таҳдид ва хавфлардан ҳимоя қилиш ҳолатида ифодаланган. Хавфсизлик нафақат одамларнинг манфаатлари ва мақсадларига жавоб берадиган, балки бутун жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланишининг ажралмас шарти бўлган энг муҳим ижтимоий манфаатга айланади.

Шундай қилиб, хавфсизлик – бу хавфли (зараарли) таъсирлар шароитида унинг хусусиятлари ва функцияларини сақлаб қолиш ҳамда ушбу объектнинг ўз кучлари ва воситалари ёки бошқа бирорвнинг фаолияти орқали эришиш билан тавсифланган объектнинг маълум бир ҳолати ҳисобланади. Шу билан бирга,





“ҳолат” “кимдир ёки бирор нарса жойлашган вазият, ташқи ёки ички шароитлар” деган маънони англатади.

Н.Д.Казаков хавфсизликни “жамият ва унинг фуқароларининг барқарор ривожланиш имкониятини кафолатлайдиган давлат мавжудлиги учун бундай ички ва ташқи шароитларни таъминлаш учун ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича салбий таъсирлар ва фаолиятга нисбатан барқарор ҳолат сифатида белгилайди” [1, 61-бет].

А.В.Петрянин ва О.А.Петрянина хавфсизликни жамоатчилик билан алоқалар ҳолати деб ҳисоблаб, ушбу ҳолатни қонуний кучлар, воситалар тўплами ёрдамида таъминлаш зарурлигини таъкидлайдилар[2, 176-бет].

Хавфсизлик кенг маънода маълум бир жамият фуқароларини маданиятли ҳаёт, ривожланиш ва ўзини намоён қилиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлашдир.

Хавфсизликни таъминлаш – тегишли субектларнинг таҳдид ва хавфхатарларни аниқлаш, олдини олиш, камайтириш ва бартараф этишга қаратилган фаолиятидир. Фалсафа, социология, психология, иқтисод, ҳуқуқ ва сиёsatшунослик каби билим соҳалари вакилларининг хавфсизликни аниқлашга турли хил ёндашувларни кўриб чиқиб, биз ҳозиргача доктринавий ёки қонунчилик даражасида ягона умумий тушунча ишлаб чиқилмаган деган хуносага келишимиз мумкин.

Шу билан бирга, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган фаолият бир вақтнинг ўзида алоҳида шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига нисбатан хавф манбаи бўлиши мумкин. Шундай қилиб, дастлабки тергов пайтида, агар терговчи гувоҳнинг манфаатдор шахслар томонидан унга қарши қилинган таҳдидлар тўғрисидаги мурожаатини ҳисобга олмаса, гувоҳга зарар етказилиши мумкин. Хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги процессуал қарор қабул қилиниши билан бирга терговчи томонидан касбий вазифаларни вижданан бажариш жиноят процессида кўрсатилган иштирокчининг хавфсизлигини таъминлашга олиб келади.

А.Умархоновнинг фикрича, жамият ҳаётидаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларнинг кескин ўзгарганлиги, жиноятчиликнинг уюшган тусга ва давлатлараро миқёсга эга бўлаётганлиги, жиноий тузилмаларнинг қуролланиш даражаси ортиб бораётганлиги каби бир қатор омиллар жиноятларни тергов қилиш ва очишга тўсқинлик қилишнинг янги ва ниҳоятда хавфли шакллари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг далиллар манбаи бўлган гувоҳлар ва жабрланувчиларни ҳимоя қилишга ҳамда хавфли, илгари маълум бўлмаган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисага қарши курашишга, унинг олдини олишга маълум даражада тайёргарлик кўрилиши зарурати келиб чиқаётганини англатади[3, 20-бет].





Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида, жиноят-процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари процессуал мажбуровлар бўлими доирасида ҳуқуқий тартибга солинганлигини инобатга олиб, ушбу процессуал институтни айнан ана шу нуқтаи назардан тадқиқ этиш лозим. Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш институти мамлакатимизда энди шаклланиш босқичига кирмоқда, десак муболаға бўлмайди. Чунки бугунги кунда айрим жиноят содир этган шахслар тергов ва суд органлари адолатли қарор ҳамда ҳукмлар чиқаришига тўсқинлик қилингандар турли шаклларидан фойдаланмоқда. Агар жиноят ишига жалб қилинган шахс ўзининг давлат томонидан ишончли ҳимоя қилинишига шубҳа қилса, у жиноят процесси олдидаги вазифаларни адо этиш учун муҳим бўлган зарур кўрсатувларни бермайди, мақбул далилларни тақдим этмайди. Шу жиҳатдан, жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади[4, 27-бет].

Ҳозирги вақтда хавфсизлик тобора қўпроқ норматив-хуқуқий тимсолга, яъни амалдаги қонунчилиқда тўпланиб яхлит тизимга айланиб, мавҳум тоифадан ижтимоий-хуқуқий ҳодисага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва замонавий илмий адабиётларни таҳлил қилиб, хавфсизликнинг ягона тушунчаси йўқ деган холосага келамиз. Чунки, ушбу ҳодиса кўп қиррали, турли хил ифода шаклларига эга бўлиб, хавфсизлик турларини ўрганиш давомида муаллифлар ушбу ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайдилар. Бу эса уни идрок этишнинг маълум бир концепциясини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ва фуқароларнинг асосий хуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланган иккинчи бўлими, 18-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар;

19-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бирбирига нисбатан бўлган хуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас;

22-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлади;

23-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон





Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

Шунингдек, бош қомусимизда, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари Конституциявий норма сифатида қайд этилиб, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Бундан ташқари, Конституциянинг “Мудофаа ва хавфсизлик” деб номланган 26-бобининг 125-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади;


126-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга деб қайд этилган[5].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар” деб номланган иккинчи бўлими, “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар” деб номланган олтинчи бўлимида ҳамда бошқа бобларида ҳам айнан инсониятга, тинчлик ва хавфсизликка қарши содир этилган қилмишлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 32-боби “Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш. Суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлиги учун жавобгарлик” деб номланиб, Кодекснинг 270-моддасига кўра, жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкини йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёки ўзга ғайрихукукий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётир дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, шунингдек айборларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар органларига ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминловчи барча зарур чораларни кўриш хусусида ёзма равишида топшириқ беришга ҳақлидир.

Ички ишлар органи хавф таҳдид колаётган шахсларга доир жиноят ишидаги мавжуд маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тутилган хусусияти, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатларидан хабардор этилиши лозим[6,208-бет].





Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 14 январдаги Қонуннинг 1-моддасида, “ушбу Қонуннинг асосий вазифалари жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳди迪 мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини белгилашдан, шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартибини аниқлашдан иборат” деб кўрсатилган.

Мазкур қонунинг 4-моддасига кўра, ҳимоя қилинувчи шахслар қўйидагилардан иборат:

- 1) жабрланувчи ва унинг қонуний вакили;
- 2) гувоҳ;
- 3) жамоат айловчиси ва жамоат ҳимоячиси;
- 4) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари;
- 5) маҳкум, оқланган шахс, ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс;
- 6) фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари;
- 7) эксперт, мутахассис, таржимон ва холис.


Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам ҳимоя қилинувчи шахслар бўлиши мумкин.

Ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши қўзғатилгунiga қадар аризачига, жиноят шоҳидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фош этишга кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. [7]

Шахснинг хавфсизлигини таъминлаш, жумладан процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни таҳдил қилганимизда, қонун нормалари ўртасида айrim тартибга солинмаган нормалар мавжудлиги кўзга ташланади.

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси икkinchi бўлими, жиноят процесси иштирокчилари деб номланиб, унга кўра, иштирокчилар процессуал мавқеига кўра, тўрт турга ажратилган. Булар, жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 270-моддасида, жабрланувчи, гувоҳ, ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, шунингдек уларни оила аъзолари ёки яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлаш назарда тутилган бўлиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар





органларига зарур чоралар кўриш тўғрисида ёзма топшириқ беришга ҳақли деб кўрсатилган.

Бироқ, ушбу моддада, процесснинг барча иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш назарда тутилмаган, шунингдек хавфсизлик чоралари турлари ва уларни қўллаш механизми аниқ нормаларда ўз аксини топмаган.

Фикримизча, жиноят тақибни амалга ошириш жараёнида иштирок этган ҳар қандай шахснинг, ҳар бир процесс иштирокчисининг хавфсизлиги қонунда назарда тутилган тартибда таъминланиши ва кафолатланиши шарт.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида, ҳимоя қилинувчи шахслар доираси аниқ кўрсатилган бўлсада, бироқ жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати ҳамда жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳамда уларнинг яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлашга доир норма мавжуд эмас.

Фикримизча, ушбу тоифадаги процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш қонун билан кафолатланмаганлиги, улар томонидан процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлақонли амалга оширишларига тўскىнлик қилиб қолмасдан, уларнинг ҳуқуқлари чекланишига, қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳақиқатни аниқлаш каби жиноят процесси принципларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор, суд шахсга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида ёхуд уларни қўллашни рад этиш ҳақида қарор (ажрим) қабул қилиши назарда тутилган.

Жиноят-процессуал кодексида, бошқа орган ёки мансабдор шахсдан фарқли равища, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида ёхуд уларни қўллашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколатига эга эканлиги тўғрисида бирор-бир норма мавжуд эмас. Кодексда, хавфсизликни таъминлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ички ишлар органларига зарур чоралар кўриш тўғрисида ёзма топшириқ беришга ҳақли деб кўрсатилган холос.

Фикримизча, жиноят ишини юритишга масъул бўлган орган сифатида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисида ёхуд уларни қўллашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати айнан жиноят-процессуал кодексидаги мазкур органнинг бошқа ваколатлари доирасига киритилган бўлиши шарт.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларида, ҳар бир процесс иштирокчисининг ҳуқуқ ва





мажбуриятлари кўрсатилган. Бироқ, Кодексда процесс иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлашни сўраб, тегишли орган ёки мансабдор шахсга илтимоснома билан мурожаат қилиш хуқуқи мавжудлиги ҳақидаги нормалар, уларнинг процессуал хуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилган моддаларда мавжуд эмас.

Шу боис ҳам, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси давомида шахснинг процессуал хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш давомида, уларнинг хавфсизлигини таъминлашни сўраб, тегишли орган ёки мансабдор шахсга илтимоснома бериш хуқуқи мавжудлиги тушунтирилмасдан қолишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган қонун нормалари ўртасидаги тафовут ва бўшлиқларни бартараф этиш, жиноят-процессининг барча иштирокчилари хавфсизлигини таъминловчи нормаларни қайта кўриб чиқиш ва жиноят-процессуал қонунчилигига киритиш, процесс иштирокчилари ҳамда уларнинг яқин қариндошларига нисбатан ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкини йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёки ўзга ғайрихуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинишини олдини олишга, мавжуд таҳдидларни бартараф қилишга, бу борада ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишнинг ягона механизмини шакллантириш орқали одил судловга эришишнинг муҳим омили сифатида хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида “Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётйлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур.” [8] деган фикрлари жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига ҳам тааллуқли ҳисобланади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Казаков Н.Д. Безопасность и синергетика (опыт философского осмысления) // Безопасность. 1994. № 4 (20). С. 61-65.
2. Петрянин А.В. Понятие безопасности: законодательно-доктринальные подходы // Вестник Нижегородской академии МВД России. 2013. № 21. С. 176.
3. Умархонов А.Ш. Одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган хуқуқий чораларни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фанлари номзоди ....дисс. автореферати. –Т.: ИИВ Академияси, 2004. –Б.20.
4. Тулаганова Г.З., Матмуротов А.Р., Мавланов К.Т. Жиноят процессида шахс хавфсизлигини таъминлаш. Рисола. – Т: ТДЮИ, 2016. – Б.





5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [constitution.uz/uz/clause/index/](http://constitution.uz/uz/clause/index/)  
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Адолат 2021 йил.  
208-209-бетлар

7. Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базаси онлайн платформаси [www.lex.uz/docs/4159913](http://www.lex.uz/docs/4159913).

8. gazeta.uz ахборот портали. [gazeta.uz/uz/2016/12/07/speech/](http://gazeta.uz/uz/2016/12/07/speech/)

